

З. Г. АЛЛАБЕРГАНОВ

**ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ
КОНЦЕПТУАЛ
АСОСЛАРИ ВА УНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

З. Г. АЛЛАБЕРГАНОВ

**ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА
УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 36.153.11
КБК 65.9 (5Ў)09
A-45

A-45 **З.Г.Аллаберганов. Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 116 бет.**

ISBN 978–9943–975–83–5

Ушбу монография миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ва иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш, иқтисодий ресурслар унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш бўйича белгиланган меъёрларга эришиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб бориш, барча турдаги ресурслардан унумли фойдаланиш, бошқача айтганда қатъий тежамкорлик тизимини жорий қилишга бағишланган. Шу билан бирга тежамкорлик тамойилларини аниқлаш ва уни амалга оширишда илмий услубий асосларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Мазкур монографиядан иқтисодчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрлар, талабалар ва муаммога қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 36.153.11
КБК 65.9 (5Ў)09

Масъул муҳаррир:

Т.Жўраев – и.ф.д., проф.

Тақризчилар:

Х.П.Абулқосимов – и.ф.д, проф.;

Д.Ш.Бабабекова – и.ф.н, доц.

Ушбу монография Ф-1-90. «Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари» мавзусидаги давлат гранти доирасида чоп этилган.

Монография Тошкент Молия институти Кенгашининг 2014 йил 5 майдаги 13-сонли қарорига асосан нашр қилинди.

ISBN 978–9943–975–83–5

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

*Ушбу монографиямни Падари бузрук-
воримиз Ғойибназар ота ва Волидаи
муҳтарамамиз Рўзика онамизнинг
ёрқин хотираларига бағишлайман.*

КИРИШ

Ўзбекистонда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ва иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш, иқтисодий ресурслар унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш бўйича белгиланган меъёрларга эришиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб бориш, барча турдаги ресурслардан унумли фойдаланиш - бошқача айтганда қатъий тежамкорлик тизимини жорий қилишни тақозо қилади.

Бугунги иқтисодий ресурслар тақчил шароитда хўжаликни самарали юритишнинг муҳим омилларидан бири тежамкорликдир. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатда таъминлаш учун ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий негизларини модернизациялаш, яъни ресурс тежовчи технологияларни жалб қилиш, меҳнат ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларнинг ечими ҳам кўп жиҳатдан тежамкорлик тамойилларига амал қилишни тақозо этади.

Шу сабабли, Президентимиз И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида қатъий тежамкорлик тизимини жорий қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш, мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш лозимлигини алоҳида қайд қилиб ўтган.

Бизга маълумки, республикамиз катта ресурс салоҳиятига эга бўлиб, ўтиш даврининг дастлабки йилларида хомашё ва табиий ресурслар экспорти иқтисодий тараққиётнинг муҳим йўналиши бўлиб келди. Бу эса кўплаб ресурсларнинг четга чиқиб кетишига сабаб бўлиш билан бирга иқтисодиётимизнинг жаҳон бозори конъюнктуравий ўзгаришларига боғлиқлигини кучайтириб юборди.

Бу борада республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биз, биринчи галда, табиатнинг бебаҳо неъматини – халқимизнинг бойлигини бўлмиш экин экиладиган ердан, суғориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри, асраб-авайлаб ва тежамкорлик билан фойдаланишимиз лозим».¹

Юқорида таъкидланганидек, ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шунингдек, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар манфаатини рағбатлантириш каби масалаларга тўлиқ жавоб бериш тежамкорлик муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Тежамкорлик кенг қамровли тушунча бўлиб унинг нафақат назарий балки амалий ва услубий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган. Кейинги даврларда фақат ресурслар муҳофазасига, улардан самарали фойдаланишга юқори даражада эътибор қаратилмоқда. Лекин илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган концепциянинг мавжуд эмаслиги бу муаммонинг самарали ҳал этилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим ривожланган мамлакатларда вақтни тежаш қонуни билан бирга, «тежамкорлик қонуни» ибораси ҳам ишлатилмоқда. Инсоният вужудга келгандан бери хўжалик амалиётида у ёки бу даражада вақтни тежаш қонунига риоя этилган, чунки рақобат, талаб-таклиф, ва иқтисодиёт субъектларининг фойда олишга интилиши бунга мажбур қилиб келган. Лекин тежамкорлик узок давр давомида инсоният олдига хавф-хатар, тўсиқ ва муаммоларни кескин ҳолда қўймаганлиги сабабли ўз вақтида тан олинмай келинди.

Гап шундаки, вақтни тежаш қонунининг амал қилмаслиги айрим иқтисодий субъектлар фаолиятида ўз салбий оқибатларини топса, яъни уларнинг рақобатбардошлигининг пасайиши ва синишига олиб келса, тежамкорлик тамойиллари бузилишининг асоратлари нафақат айрим субъектлар фаолияти,

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –: Ўзбекистон, 2002 Т.10. – Б. 212-213.

балки бутун инсониятга, бутун дунё иқтисодиётига ўзининг беқарорлаштирувчи таъсирини кўрсатади. Бошқача айтганда тежамкорлик тамойилларининг тан олинмаслиги иқтисодиёт ва табиатдаги мувозанат ҳамда мутаносибликларнинг бузилишига олиб келади. Шу сабабли у оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кечаётган глобаллашув жараёнлари тежамкорлик масалалари борасида ҳам мамлакатларнинг бир-бирига яқинлашуви ва биргаликда бу муаммоларни бартараф этишларига олиб келиши муқаррар. Чунки бу муаммолар алоҳида олинган мамлакат миқёсида эмас, балки бутун жаҳон миқёсида тақозо қилинаётган глобал муоммодир. Шундай экан, тежамкорлик категориясини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб ва айни пайтда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан тежамкорлик бўйича қўйилаётган талаблар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топиш талаби ҳам илмий тадқиқотчилар зиммасига янги вазифаларни юкламоқда. Президентимизнинг «Тан олиш керакки, бизда бу муаммо билан ҳеч ким тизимли равишда жиддий шуғулланмаяпти. Ҳатто, бугун ҳам, худди 15 йил илгари бўлганидек, республика корхоналарида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 2-2,5 марта ортиқ экани ҳеч кимни ташвишга солмаяпти»², деб таъкидлаши ҳам бунинг яққол далилидир.

Шу боисдан ҳам, республикадаги ишлаб чиқариш муносабатларининг таҳлилига, иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларни назарда тутган ҳолда ресурслардан тежамли фойдаланиш муаммоларига бугунги кун нуқтаи назаридан янгича ёндашиш объектив зарурият бўлиб қолди.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. Т.14. – Б. 196.

І БОБ. ТЕЖАМКОРЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тежамкорликнинг иқтисодий мазмунига турлича қарашларнинг илмий назарий таҳлили

Маълумки, маъмурий-буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт учун иқтисодий ўсишнинг устувор экстенсив тури хос бўлиб, жамият эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга аксарият ҳолларда қўшимча сарф-харажатларни ошириш ҳисобидан эришилган. Ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган иқтисодий ресурсларнинг катта захираси мавжудлиги, қолаверса, уларни хўжасизларча, тежамкорлик тамойилларига амал қилмаган ҳолда сарфлаш имконини берган.

Бозор иқтисодиёти қоидалари асосида замонавий ривожланган мамлакатлар хўжалик юритиш усули эса бундай ўсишни инкор этади. Чунки бозор усули, энг аввало, талаб ва таклиф, рақобат механизмлари, нархнинг эркин шаклланиши, фойдани максималлаштириш қоидаларига асосланади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ ҳолда иқтисодий ресурслар истеъмоли жараёнини ташкил этиш усулларини ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш долзарб вазифага айланди. Айниқса, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланмоқда.

Тежамкорлик муаммосининг тобора долзарб аҳамият касб этиши сайёрамиздаги табиий ва иқтисодий ресурслар захирасининг камайиб бориши билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, «Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефть, газ, кўмир билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.³

³ Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998. – С. 61.

Шунга кўра, Президентимиз И.А.Каримов ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтади.⁴ Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан энергия ресурслари, энг аввало кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар – кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда каттик тежамкорликни таъминлашни устувор йўналиш сифатида белгилаб берилади. Ресурслардан фойдаланишда келгуси авлод тўғрисида ҳам қайғуришни, иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирди.⁵

Президентимиз И.А.Каримов қайд қилиб ўтганларидек: «Аввало, биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефт, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилги энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилги сифатида фойдаланилаёпмиз холос»⁶. Маълумки, инсоният эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан уларни қондириш учун яроқли бўлган иқтисодий, айниқса, табиий ресурсларнинг нисбатан камайиб бориши рўй беради. Айни пайтда фан-техника тараққиёти натижасида ресурслардан самарали фойдаланишнинг муқобил йўл ва усуллари пайдо бўлиб, унинг янги турларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгайиб борса-да, табиий ресурсларни такрор ҳосил қилиш имконияти чекланганлигича қолаверади.

Қадим-қадимдан мутафаккирлар тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари хусусида ўз ёндашувларини баён қилганлар. Шунинг учун тежамкорликнинг ҳар қандай иқтисодиётнинг асосий масаласи сифатида фанда тўпланган бой илмий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тежамкорлик ва иқтисод қилиш билан

⁴ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2002.-56 бет

⁵ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Т.: «Ўзбекистон», 2006. 59 б.

⁶ Каримов И.А. 2012 йил ватинимиз тараққиётининг янги босқичига кўтаридиган йил бўлди. Т.: Ўзбекистон 2012й..22 бет

боғлиқ турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Бу тушунчани илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда, аввало, ана шу қараш ва ёндашувларни тарихий изчилликда қуйидагича тизимга келтириб ўрганишга ҳаракат қиламиз (1.1-расм):

Тежамкорлик бўйича назарий қоидалар ривожланишидаги асосий ёндашувлар⁷

1.1-жадвал

Асосий ёндашувлар	Манбаи	Назарий моҳияти
Ахлоқий тарбия ва инсонийлик хислати сифатидаги ёндашув	Зардўштийлик дини, Авесто китоби	Тежамкорлик фаолият ва жараёнларда юқори ўрин тутди, у кишилар моддий фаровонлигининг дастлабки шарти ҳисобланади.
	Христиан дини, Инжил китоби	Мўътадиллик, тежамлилик, олдиндан кўра билишлик тадбиркорнинг эзгу хислатлари ҳисобланади.
	Ислом дини, Қуръони карим китоби	Исрофгарчиликнинг олдини олиш, тежамкорликка интилиш инсоннинг асосий бурчи сифатида баҳоланади.
Иқтисодий фаолиятни ривожлантирувчи омил сифатидаги ёндашув	Ибн Холдун Абдурахмон Абу Зайд	Ҳар қандай иқтисодий фаолият негизида тежамкорлик ётади. Унинг ривожига бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. У меҳнат унумдорлигини оширади ва кўшилган қиймат яратилишига моддий замин тайёрлайди.

⁷ Холматов Б.А. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс., Б 15

<p>Меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва ўзаро айирбошлаш</p>	<p>Классик иқтисодий мактаб, А.Смит</p>	<p>Тежамкорликка инсонларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундайди. Унга айирбошлаш ва меҳнат тақсимотининг ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин.</p>
<p>натижаси сифатидаги ёндашув</p>	<p>Классик иқтисодий мактаб, Д.Рикардо</p>	<p>Тежамкорликка таъсир этувчи асосий омил – техника ривожланиши ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Бу эса кишиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади.</p>
<p>Халқаро рақобатбардошлик омили сифатидаги ёндашув</p>	<p>М.Портер</p>	<p>Мамлакатнинг халқаро рақобатга лаёқатлилиги бевосита тежамкорликка боғланиб, унинг фирма, ишлаб чиқариш ва макроиқтисодий даражасидаги турлари ажратиб кўрсатилади.</p>
<p>Фақат режали иқтисодиёт учун хос бўлган тамойил сифатидаги ёндашув</p>	<p>Марксча таълимот</p>	<p>Тежамли хўжалик юритишга фақат социалистик жамиятда эришилади, исрофгарчилик эса капиталистик тузумга хос.</p>

Тежамкорлик билан боғлиқ бўлган фикрлар турли манбалар, жумладан, диний таълимотларда ҳам кенг баён этилган. Масалан, зардўштийликнинг муқаддас китоби Авестода моддий бойликларни кўпайтириш кишиларнинг асосий фаолияти сифатида улуғланади. Бу иқтисодий фаолият ва жараёнларда тежамкорликнинг ўрни муносиб баҳоланиб, унга моддий фаровонликнинг дастлабки шарти сифатида қаралади.

Маълумки, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаъран қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган. Бу ҳақда Қуръони каримда исрофгарчилик аллоҳ таолодан узоқлаштириб, шайтонга яқинланлаштирадиган амал



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/757> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/757> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/757>